



“Анъанавий тиббиёт устози” сифатида танилган Ўзбекистонлик Ойдин Солиҳ дунёнинг бир қанча мамлакатларидан 10 мингдан ортик инсонга соғлик, табиий яшаш тарзи ва покиза ҳаёт кечириш борасида таълим берди.

**Анадолу Давлат Хабар Агентлиги — Анкара**

Ислом тиббиёти соҳасида олиб борган ишлари билан танилган Ўзбекистонлик ҳакима Ойдин Солиҳ вафот этди.

35 йил мобайнида Ислом тиббиёти соҳасида фаолият олиб борган ва 20 йилдан бери оиласи билан Туркияда яшаган 71 ёшли Ойдин Солиҳ пешинга яқин Истанбулдаги уйида ҳаётдан кўз юмди.

2011 йили Солиҳ шогирдлари



## ЎЗБЕК ҲАКИМИ ОЙДИН СОЛИҲ ВАФОТ ЭТДИ

тарafdан ташкил қилинган Истанбул табиий соғлик Институти раҳбари ва айни пайтда Ойдин Солиҳнинг шогирди бўлган Фарук Гунинди АА муҳбирига берган шарҳида Ислом тиббиёти асосларини замонавий тилда изоҳлаган Ойдин Солиҳнинг Туркияда ва дунёнинг турли мамлакатларида жуда кўплаб шогирдлари ва муҳлислари борлигини, соғлик, табиий ҳаёт борасида 10 мингдан ортик издошлари борлигини билдирди.

Гунинди Ойдин Солиҳнинг Украина, Ўзбекистон, Олмония, Норвегия, Саудия Арабистони, Англия ва Сурияда фаолият олиб борганини ва сўнги 5 йил ичида Туркиянинг бир қанча ҳудудларига ташриф буюрганини таъкидлади.

Ойдин Солиҳнинг энг қатта муваффақияти “Инсонларнинг қалбига кира олганлиги” эканини билдирган Гунинди марҳуманинг ўз издошлари билан бевосита мулоқотда бўлганлиги таъкидлади. Ойдин Солиҳнинг телевизион

дастурларда қатнашишдан кўра конференцияларда инсонлар билан бевосита мулоқот қилишни афзал билгани ҳақида гапирган Гунинди устозининг инсонлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қила олиш учун микрофондан ҳам фойдаланмаганини тилга олди.

Россияда тиббиёт, Ўзбекистонда биология соҳасида таълим олган Солиҳнинг муваффақиятли бир ҳакима сифатида Ислом динини танлаганини билдирган Гунинди Ойдин Солиҳнинг Ислом тиббиёти манбаларига мурожаат қилиб бутун умрини ушбу манбаларни инсонларга етказишга бағишлаганини билдирди,

Ўзбекистон муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳнинг рафиқаси бўлган Ойдин Солиҳ 2007 йилда нашр қилинган “Ҳақиқий тиббиёт” номли китобида бугунги кунимиздаги инсонларнинг яшаш тарзи, покиза ҳаёт кечиришнинг аҳамияти ва соғлиққа зарар берувчи одатлар ҳақида ёзаркан бу одатлардан қутилиш йўллари ҳақида тавсиялар беради.

*Манба: Анадолу Давлат Хабар Агентлиги  
Anadolu Ajansi*





## Збигнев Бжезинский: Россиянинг мақсади Оврўпани парчалашдир

Россиянинг мақсади – Оврўпа давлатларининг етарли даражада интеграция бўлмаганлик билан Оврўпани кўрқитишдан иборатдир. Россияга кўра Оврўпа тез орада парчаланиб кетади. Бу ҳақда жума куни Вашингтондаги стратегик ва халқаро тадқиқотлар Марказида бўлиб ўтган дискуссия вақтида сиёсатшуно ва бир нечта АҚШ президентларига маслаҳатчи бўлган Збигнев Бжезинский фикр билдирди, деб хабар берди “Америка овози”.

“Кўрқитиш оркали Оврўпани парчалаб ташлаш Путиннинг стратегик мақсадидир – дея таъкидлайди Бжезинский – Бундан ташқари, у Оврўпани Америкадан ажратмоқчи”.

“Россия ҳарбий учоқларининг қутилмаган тарзда чегаралардан узокларга патрул қилиш учун йўл олиши ва номаълум жойлардан қайтиб келишларини “кўрқитиш операцияси”ни амалга ошириш истагидан бошқа изоҳи йўқ”, — дея фикрини давом қилдиради Бжезинский.

Унинг фикрича, россия ҳукуматининг ҳаракатлари қачондир “альянсда ўзига хос фалаж ҳолати”ни юзага келтиришга қаратилган.

Россияда ривожланаётган янги мафкура фониди амалга оширилаётган ушбу ҳаракатларни Бжезинский Россиянинг салоҳияти ҳақида нотўғри хулоса қилиш учун асос сифатида баҳолайди. Унинг фикрига кўра Кремль ўз ҳаракатларини барча русларнинг орзуларини ифода этиш байроғи остида олиб бормоқда.

“Бу ерда гап нафақат этник руслар ҳақида, балки “ватандошлар” деб номланувчи бутун рус тилида сўзлашувчилар ҳақида бормоқда. Бу нуқтаи назардан Кремль Эстония ва Латвиянинг ҳам рус тилида сўзлашувчи аҳолисига кўз тиккан. Шундай экан бу асос билан улар кун келиб Брайтон Бични ҳам ўз манфаатлари ҳудуди сифатида эълон қилишса мен ҳеч ҳам ҳайрон бўлмайман”, — дейди Бжезинский.

Украинага нисбатан Россиянинг жорий ниятларига баҳо берар экан Бжезинский Москванинг интилишлари Украинадаги ички вазиятни мамлакат мустақиллигини сақлаб қола олмайдиган даражага олиб келишга қаратилган деб ҳисоблайди. “Агар мустақиллик узок вақт давомида ижтимоий инқироз ва иқтисодий муаммолар гирдобиди қолса мустақилликни сақлаб қолиш имкониятлари билан боғлиқ саволлар юзага чиқади –дея қайд қилади Бжезинский. – Ғарб эса Украинани зудлик билан қўллаб-қувватлашига тўғри келади”.

Сиёсатшуноснинг қайд қилишича жорий россия-украина муносабатларига нисбатан ғарбнинг жавоб стратегиясида иккита жиҳат асосий ўрин тутмоғи лозим. “Биз нима бўлган тақдирда ҳам Украинанинг Оврўпага яқинлашувини қўллаб-қувватлашимизни билдиришимиз керак, Украинанинг Оврўпа Иттифоқига аъзолиги ҳақида эса яқин келажакда гап бўлмагани маъқул. Бу Россияда таҳлика уйғотиши мумкин”, — дейди Бжезинский.

ЎХХ ахборот бўлими

## Атамбаев «катта» қўшниси Каримовни ёзғирди

Остонага кела солиб Қозоғистоннинг 24.kz телеканалига интервью берган Алмазбек Атамбаев рус ва қирғиз тилидаги 10 дақиқалик сўхбатнинг каттагина қисмини Ўзбекистон билан муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ҳақидаги баёнотга ажратди. Сўнги инқилобдан бери Қирғизистондаги вазиятнинг барқарорлигини гапират туриб Атамбаев, Ўзбекистон билан орага совуқчилик солиб келаётган сув муаммосига тўхтади.

Хусусан, Алмазбек Атамбаев Ўзбекистон ҳукуматининг Қирғизистондаги “Қамбар-Ота-1” ГЭСи қурилишига нисбатан қаршилиги турли босим шаклида намоён бўлаётгани ва мамлакат жанубидаги вазиятни танг ҳолга солиб қўйганидан шикоят қилди:

- Ўзбекистонга бунгача бир неча бор тақлиф этганмиз, ҳозир ҳам айтмоқдамиз – улар “Қамбар-Ота-1” ГЭСининг қурилишига ўз ҳиссасини қўша бўлади. Утмиш хотираси билан яшаш керак эмас. Қўшниси душман қатори кўриш ҳам тўғри эмас. Газни учирди, темир йўлга чеклов киритди. Қўшнilar бир-бирига ёрдам беришлари керак. “Қамбар-Ота-1” ГЭСи нафақат Қирғизистонни, балки қўшни ўлкаларни ҳам электр энергияси билан таъминлай оладиган лойиҳадир. Буни кўзи кўр одамгина кўрмайди ёки кўришни истамайди, деди Қирғизистон президенти.

Ўзбекистон ҳукумати Россия ёрдамида қурилаётган “Қамбар-Ота-1” ГЭСи минтақадаги сув мувозанатини бузишини айтиб, унинг қурилиши қаршилик қилиб келади. Шунингдек, Ўзбекистон жорий йилда “Қирғизгаз” ширкатининг Россиянинг “Газпром” копаниясига сотилиши ортидан Уш шаҳрига газ беришни тўхтатиб қўйди. Бунинг оқибатида ўшликлар бу йилги қишни табиий газсиз қарши олмоқда. Остонада Ўзбекистон президенти номини тилга олмай туриб, Тошкент сиёсатини танқид қилган Алмазбек Атамбаев, Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоевни мақташда сифатларни аяб ўтирмади. Чунончи, Атамбаев ўз «катта оға»си Нурсултон Абишевичнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳозирги дунёнинг энг қудратли лидерлари тарафидан ҳам эътироф этилганини таъкидлади.

Ўзбекистон юритаётган «қўшниси душман қаторида кўриш» сиёсатидан етаётган азият, хусусан, ёнилғи соҳасида Қозоғистондан ёрдам олиш Атамбаевнинг Назарбоев билан музокараларидаги бош мавзу экани айtilди.

www.ozodlik.org



**Доктор Ойдин Солих хонимнинг ортидан...**

*Инна Лиллоҳи ва  
Инна Илайҳи рожиун.*

Бир ислом ҳақимаси, олима, орифа, ҳикмат соҳиби зот, имон ва акцион, фидокорлик ва азм обидаси, муҳожир ва мужоҳид инсонни, ҳақиқий бир ҳазинани тўпроққа бердик.

Туркияда ва дунёда бир сассиз инқилобнинг



## МУСУЛМОН, МУҲОЖИР, МУЖОҲИД

йўлбошчиси эди. Бу дунёдан ва орамиздан айрилиши ҳам сассиз-садосиз бўлди.

Аммо кўнгилларда ёнғин бор. Ичимиздаги қичқирлар ҳам унинг ихтилоли каби унсиздур бугун.

Йўқотилган шифони кашф йўлида ва ўз тили билан айтганда «Муҳаммад Алайҳиссаломнинг суннатини ихё этиш йўлида»ги фолиятларини бизга қолган буюк бир қарз, васият ва вазифа ўлароқ қабул этамиз.

Унинг мозори позитивизмнинг тиб дунёсидаги мағлубиятининг, бу музофотлардаги инқирозининг симболи бўлажак ИншаАллоҳ!

Ҳз. Мавлоно Жалолиддин Румий «ит ҳам олдиға кўйилганни ҳидламай емайди. Эй инсон, сан қандай қилиб бир нарсани ваҳийми, йўқса инсон сўзимни эканини билмай туриб, дарҳол қабул этаяпсан» дейди.

Худди Мавлоно каби, тиббиётда ва ҳаёт тарзида бизга тавсия этилганларни Муҳаммад Алайҳиссаломнинг суннатлари тарозисида тортмай туриб қабул этмаслик принципини содда, қуруқ вааз ила эмас, балки мусбат натижаларини ҳам кўра оладиганимиз амалиётдаги татбиқларинг билан қабул эттирганинг учун Аллоҳ сендан рози бўлсин!

Қабринг жаннат боғчаларидан бир боғча бўлсин!

Аллоҳ раҳмати билан муомала этсин!

Ғурбат элида вафотинг шаҳидлик бўлиши муждасига ноил айласин!

Бизларга эса йўлингда

юришни ва шафоатингга ноил бўлишни насиб этсин!

Омин!

«Олимнинг ўлими — оламнинг ўлими» эканини бир ҳақиқат ўлароқ яшайпмиз, идрок этаяпиз.

Зотини танишга муяссар бўлганимдан беҳад хурсанд бўлганим, илми билан, ирфони билан, ҳикмати билан шуурли бир мўмина бўлган тиббиёт оламида «Набавий Тиб»ни ихё этиш борасида, илмни система ичида иншо этган, тадови ва муолажалари ила исбот этган Аллоҳ (жж) ризоси учун мужодаласига, азмига, ихлосига, иззатига шоҳид бўлганим «Ҳақиқий тиббиёт» асари соҳиби, пайгамбар шайдолиси, буюк мужоҳида ва ҳақима, биолог доктор Ойдин Солих хоним бугун Ҳаққа кўчди.

Раҳматли Эрбақон хожаимизнинг жанозасида бир ТВ каналига оддий бир ватандошимиз шундай деган эди: «ОКЕАН ҚУРИДИ»..

Ойдин хоним ила кўришганимизда тез тез «Сиз тиббиётнинг Эрбақонисиз» дер эдим.

Чунки, дарди — Ислом эди.

Дарди — мусулмонларнинг ирқчи империалист чархида ун бўлиб эзилмасликлари эди. Чунки, дарди — мусулмонларнинг

Ислом динининг истагани каби яшашлари, Исломнинг истагани каби даволаниб, шифо топишлари ва ана шу тарзда иззат ичида вафот эта олишлари, жаннатга лойиқ бўла олишлари эди.

Шайтоннинг ваъда бериб алдашининг Куръонда бизга билдирилишига қарамай, ҳамон мусулмонларнинг Ортадокс тиббиёт ёхуд Модерн Тиб мантиғи ичида Ислом дининг қабул этмагани даволаниш усуллари ила шифо топиш умиди ила паришон вазиятда жон таслим қилишларидан қайғуда эди.

Мусулмонларнинг

тиб мавзусида Пайғамбаримиз (САВ)нинг тавсияларига қулоқ солмай, ТИББ-И НАБАВИЙ устидаги изланишлар олиб бормаётганлари, боз устига Модерн Тибнинг яхудий манбали мантиғига, даволаш ва идори-дармонларига таслим бўлганларидан мутаассир эди.

Мусулмонларнинг иқтисодий ёхуд ижтимоий бир низом таклифи ўлароқ коммунизм ва капитализм тавсия этилганида «Ислом бор, бизнинг яхудий системалри билан на ишимиз бор?», деб эътироз этар экан, соғлиқ соҳасида энг кичик бир муаммога дуч келишса дарҳол «Эй яхудий! Қандай дори-дармон берасан?», деб яхудийга таслим бўлишларини айтарди.

У, олдимизга кўйилган билим никоби остидаги модерн тибни — яхудий системасини ўзгартиришга бел боғлаганди.

«Ҳақиқий тиббиёт» китобини ўқиганингизда ва беморлари ёхуд яқин ҳамкасблари билан учрашганингизда унинг бу мақсадини ва бу ҳақдаги фаолиятларини кўра оласиз. Шунинг учун ҳам унга «Тиббиётнинг Эрбақони» дер эдим. Шундай дейиш менга ёқарди. Ислом динини бизлардай ота-бобосидан мерос олмаган, 40 ёшидан кейин бу динни таниганди. Бизлар каби фақатгина ўқиб кетавермасди — тақиқ этар, изланарди. Чуқур тиббий малумот соҳибаси ва тадқиқотчилиги билан исломни тадқиқ этаркан, муҳим ва ҳикматга тўла хусусларни

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

илғаётган, тасбит этаётганди.

Излаувчан эди, ўрганар ва билганларини англатарди. Билганлари билан амал этганларга Аллоҳнинг билмаганларини ҳам ўргатишини Ҳз. Ўмарнинг «Виждон соҳиби инсон — билгисини бошқаларга ўргатган инсондир», деган сўзини дастур-ул амал этганди. Ана шу ғоя билан китоб ёзди. Бу ғоя билан конференциялар берди. Бу ғоя билан семинарлар тартиб этди ва бу ғоя билан ННН ни қурди. Бу ғояга асосланиб янги бир вақф (фонд) қурилиши учун ғайрат кўрсатаётганди.

Ўлкамизда ҲОЖАМАТ ва РЎЗАнинг бир суннат ўлароқ қайта жонланиши, бир илм сифатида тараққий этиши ва даволаш усулу ўлароқ ёйилиши унинг хизмати дидир.

Бу мужодаласи билан у мужоҳид бир аёл эди. Жуда кўп ҳастанинг муайянасида шахсан қатнашганим учун шоҳидман-ки, Ойдин ҳоним ташхис ва даволаш асносида мукамал таблиғ олиб борар ва таблиғи таъсир этарди. Усмонли замонинг буюк ҳақимларидан Шамсидин-и Итоқий «Бир инсон, инсон анатомиясини билмай туриб Аллоҳни била олмайди» дейди. Балки бу сабаб билан аввалги ислом олимлари айна пайтда

ҳақим(табиб) эдилар. Оқ шайх — Оқшамсиддин ҳазратлари, имом Али Ризо, Фаҳриддин Розий ва бошқа олимларимиз ҳақимликда машҳур эдилар.

Ойдин ҳонимнинг (ҳақимлик билан биргаликда) муаззам бир ҳикмат тарафи ҳам бор эди. Оз сўз билан кўп нарсани ифода эта оларди. Мен ҳикматли суҳбатнинг жуда гўзал ўрнақларини унда кўрдим. Истанбулда ўтказган охириги конференциясида «Дунёга имтиҳон учун келдингиз. Имтиҳон — алдаш билан бўлади. Алдаш эса чиройли кўрсатиш билан бўлади. Сизга чиройли кўрсатилган нарсалардан қочинг», деган эди. «Соғлом бўлиш учун на китобимга на-да менга эҳтиёжингиз бор. Суннатга уйғун яшанг, соғлом бўласиз!», дея насихат этганди. 2010 йилида Измитда ўтказганимиз ва кўпчиликини аёллар ташкил этган конференцияда «Ҳонимлар, ҳозир сизларга айтадиган нарсам бугунгача содир бўлмади.

Болалар оналарига, хотинлар эрларига ҳоким бўлди», деган ва хотинларнинг эрларини бўйсундириш истагидан воз кечишлари ҳақда огоҳлантирганди. Ўзбекистонда президентлик сайловларида ютиб чиққан, фақат диктатор Каримовнинг раҳбарликни бермай, Туркияда сургунда яшай бошлаган ўзбек лидер Муҳаммад

Солиҳнинг завжаси ўлароқ айна замонда ўлкамизда сургунда яшаётган бир МУҲОЖИР эди.

Омонатини Аллоҳга ғурбатда — мусофирчиликда таслим этди. Ҳадис-и Шариф ғурбат диёрларда вафот этганлар шаҳид бўлишини ва Аллоҳдан шаҳодлик тилаб ўлганларнинг шаҳид болишлари муждаси таяниб, Аллоҳ (жж)дан уни шаҳидликка ёзиши учун дуо қилаяпман. Аминман-ки, «Аллоҳ ундан рози, у ҳам Аллоҳдан рози» эди.

Бугун бир океан қуриди. «Ҳақиқий тиббиёт» китобини билганлар билсин-ки, бу китоб океандан бир томчи эди. Инсонлар ер остидан ҳазина излайдилар. Ҳолбуки биз бугун ҳақиқий ҳазинани тўпроққа кўмдик!» Аллоҳ (жж) маконини жаннат боғларидан бир боғ қилсин. Раҳмати билан муомала этсин!

Пайғамбаримизга қўшни қилсин. Бизларни ҳам у билан жаннатда учраштирайсин. Омин!

Аввало муҳтарам умр йўлдоши Муҳаммад Солиҳ бег, ўғли Темур бег, келини Ҳожар ҳоним ва қизи Умида ҳонимлар билан биргаликда бошқа бутун яқинларига ва издошларига Аллоҳдан сабр-и жамил ва ажр-и жазил тилайман.

*Туркия туркчасидан  
ўзбекчалаштирилди  
Абдуллоҳ Қоя*

## Олий Мажлис Сенати амнистия тўғрисида қарор қабул қилди

2014 йил 14 ноябр, жума куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди. Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» ги масалани кўриб чиқишдан бошлади. Бу ҳақда ЎЗА хабар берди.

Ушбу масала бўйича сенаторлар томонидан тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг қароридан куйидаги маҳкумларни: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар

фуқаролари, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қарорда амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахсларнинг тоифалари ҳам назарда тутилган.

Диний ва сиёсий мотивлар билан қамалганларга нисбатан амнистия қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

Ўзбекистон ҳукумати қонунчиликда сиёсий жиноят моддасининг йўқлиги боис, «сиёсий мотивлар» билан қамалганлар йўқлигини айтиб келади.

Расмийлар фикрича, фуқаролар тақиқланган ташкилотларга аъзо бўлиб, тинчлик ва хавфсизликка

ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ва хориждаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ҳамда сиёсий муҳолифат вакиллари йиллар давомида Ўзбекистон ЖКнинг 159, 244-1, 244-2 моддалари асосида қамалган ва «сиёсий маҳбус» деб аталадиган маҳбусларга нисбатан амнистия қўлланмай келаётганига оид ҳисоботларини чоп этиб келадилар.

Бу ҳисоботларда Мурод Жўраев, Самандар Қўқонов, Муҳаммад Бекжонов, Дилмурод Саидов ва бошқаларнинг исмлари тилга олинади.

Таниқли биолог олим, сўнги йилларда халқ таоботи соҳасида катта изланишлар олиб бораётган доктор Ойдин Солиҳ 9 ноябрь куни 71 ёшда оламдан ўтди. Туркиянинг Истанбул шаҳрида яшаётган Ойдин Солиҳ сўнги ойларда хасталанган эди. Унинг «Ҳақиқий тиббиёт» номли китоби дунё ўзбеклари ва туркий миллатлар орасида кенг тарқалган.

1943 йилда Украинанинг Луганск областида туғилган ва узок йиллардан буён Истанбул шаҳрида яшаётган биолог олим Ойдин Солиҳ кўп йиллардан буён халқ таоботи йўналишида изланишлар олиб бораётган эди.

Ойдин Солиҳ аввалига Украинадаги Ворошиловград тиббиёт билим юртида ўқиган. 1978 йилда эса ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети,



## ҲАҚИҚИЙ ТИББИЁТНИ ИЗЛАГАН ОЛИМ ОЙДИН СОЛИҲ ОЛАМДАН ЎТДИ

ўша кезде Тошкент давлат университетининг Биология факультетида ўқиган. Яқинлари Ойдин Солиҳнинг халқ таоботига оид изланишлари талабалик чоғларидан бошланганини хотирлайдилар.

Кейинчалик Ойдин Солиҳ Тошкентда бошлаган изланишларини Туркияда давом эттириб, у ерда юзлаб беморларни таобот йўли билан даъволашга эришган.

Мухими, Ойдин Солиҳ қўллаган шифо услублари Ислом дини ва шариат талабаларига мослиги билан бошқа миллатдаги мусулмонлар

орасида ҳам каттагина қизиқиш уйғотган.

2008 йилда Ойдин Солиҳ ўзининг узок йиллик тажрибаси асосида «Ҳақиқий тиббиёт (йўқотилган шифо изидан)» деб номланган китобини нашр эттиргач, унинг довуғи дунё ўзбеклари ва туркий миллатлар орасида ёйилган эди.

### Оллоҳ хасталикни шифоси билан яратган

Туркияда фавқулодда катта қизиқиш билан қабул қилинган китоб тез орада дунёнинг ўзбек ва турк тилларида сўзлашувчи мусулмонлари орасида тарқалиб кетди.

Китоб муқаддимасида шундай дейилган: «Доктор Ойдин Солиҳ касалликларнинг асл сабабларини ва уларга қарши инсоннинг чорасиз эмаслигини, Оллоҳ ҳар хасталикнинг шифосини ҳам яратганини эътироф этиб, буни далил ва исботлар билан бизга тақдим этади. Бу китоб нафақат узок йиллар олиб борилган изланишларнинг илмий хулосаси, балки беморларга тақдим этилган конкрет рецептлар мажмуаси ҳамдир».

### Замонавий тиббиёт хато устига қурилган

Доктор Ойдин Солиҳ замонавий дориҳоналарда сотилаётган

дорилар аслию нусхасининг бирдек зарарлилиги, айниқса сўнги технологиялар ёрдамида Ғарб ширкатлари ишлаб чиқарган янги дориларнинг инсон саломатлиги учун хавфлироқ эканидан огоҳлантириб келарди.

- Янги дориларнинг барчаси бирдек инсон иммун тизимини бостиради. Саратон ва ОИТС каби бедаво дардлар айнан иммун тизимининг сурункали тарзда бостирилгани оқибатидир. Дори бир жойимизни тузатса, бошқасини бузади, деган гапни айтгувчилар кўп. Аммо одамлар фармацевтика саноати чиқараётган бирорта дори инсоннинг бирор жойини тузатмаслиги, аксинча унинг бутун системасини бузишга қаратилганини билишлари лозим, — деган эди Озодликка доктор Ойдин Солиҳ.

Ойдин Солиҳ 1993 йилда оиласи билан Ўзбекистондан Туркияга ҳижрат қилган.

У Истанбулда халқ таоботи йўлида изланишлар олиб борувчи ва даъволовчи клиникага асос солганди.

Ойдин Солиҳ Ўзбекистон муҳолифати лидери, Ўзбекистон Халқ ҳаракати раҳбари, таниқли шоир Муҳаммад Солиҳнинг турмуш ўртоғи эди.

Манба: [www.ozodlik.org](http://www.ozodlik.org)







## Жиззах вилоятининг яна бир ҳокими...

Ушбу мавзу 2009 йилдан бери давлат режаларини бажармай келаётган Жиззах вилояти Зарбдор туманининг ҳокими Эргаш Ғайбуллаев ҳақида. Бу ҳоким учун давлат режаларидан кўра шахсий режалари ва унинг жазмани Н.Жумаеванинг хошиш истаклари устун туради. Жумладан, қуйидагиларни сизларга маълум қилмоқчимиз.

Гапнинг пўсткаласини айтганда, туманда шунақа фермерлар борки, улар 10, ва хатто 20 гектарлаб белгиланган режадан ташқари томорқадан яширинча фойдаланиб ўзларининг манфаатларини кўзлаб экин экишади. Бу майдонлар туман ер майдонларини тақсимлаш режасида курсатилмайди. Текширувчилар у ерга олиб борилмайди. Борганларининг эса оғизлари мойланади. Жумладан:

1. “Босим Нодир”, Ғофур Кўнишиев Тўлқин чорва “Бўстон” СИУ худудида “Тақалтўпи” Йўлдош Курбанов СИУ худудида жойлашган. Мазкур фермер хўжаликлари туман ҳокими Э.Ғайбуллаевнинг арзандаси Ботир Бўрибоевга қарашли, ҳар бир ф/х. да 20 гектардан режадан ташқари томорқа мавжуд. Жаъми Б.Бўрибоевнинг ихтиёрида туман ҳокими Э.Ғайбуллаевга тегишли 100 гектардан зиёд томорқа мавжуд.

2. “Чаррос юлдузи”, “Адхам чорваси”, “Низомиддин чорваси”, “Имонқулов Одил” чорва фермерлари “Юксалиш” СИУ худудида жойлашган бўлиб, уларнинг барчаси туман ҳокими Э.Ғайбуллаевнинг эркатойи Илҳом Эргашевга қарашли. Улар чорва

фермер саналсада, аслида озуқа экинлари ўрнига 20 гектарлаб томорқа экилади. Хуллас, бу хўжаликлар ҳам И.Эргашев ихтиёрида бўлиб, туман ҳокими Э.Ғайбуллаевга тегишли 100 гектардан зиёд томорқа мавжуд.

3. “Носир Шерзод”, “Фуркат даласи” ф/х. лари “Нурафшон” СИУ да “Сардорбек Саидаббос” ф/х. Зарафшон СИУ да жойлашган бўлиб, бу хўжаликларни Тангиров Абдуғани юритади, лақаби Максим. Бу йигитнинг ихтиёрида ҳам туман ҳокимига тегишли 100 гектардан зиёд томорқа мавжуд.

4. “Жанговул Юқори хосил даласи” ф/х. лари Парда Умурзоқов СИУ да жойлашган бўлиб, улар ҳам туман ҳокими Э.Ғайбуллаевнинг арзандаси И.Эргашевга тегишлидир.

5. Шу йилда “Оқбулоқ” СИУ да очилган “Лочинбек Одина” боғдорчиликка ихтисослашган ф/х раиси Кўчканов Ином хисоблансада, ерга туман ҳокими Эргаш Ғайбуллаевнинг жазмани Наргиза Жумаева эгалик қилади.

6. “Бозорали Жуман”, “Яширин Илдиз”, “Чорва Самараси”, “Ориф Мъаруф самараси” ва бундан ташқари 5-6 та ўзига тегишли ф/х мавжуд бўлган МАНПҮЛАТ мафия, яъни Пўлат Кенжаевнинг айни кунда Сутбулоқ қишлоғи ва бошқа Зарбдор туман қишлоқлари аҳолисининг кўплаб фуқороларининг таморқаларини зўравонлик билан тортиб олиб фойдаланиб келмоқда.

Бундай имтиёзлар фақат юқорида кўрсатилган эркатойлар учун бор, бошқалар эса бундай

имтиёздан маҳрум қилинган.

П.Кенжаев туман ҳокими Э.Ғайбуллаевнинг ночор қолганда зўравонлик йўли билан унинг манфаатларини химоя қилувчи шахсдир.

П.Кенжаевнинг ёрдами билан 2010 йилда “Тиғирик” ф/х нинг раиси И.Бозорбоевнинг оиласини зўравонлик йўли билан бир йўла 5 та ўғилларини қаматиб, хонавайрон қилган. Хозирги кунда худди шундай усул билан Э.Ғайбуллаев фермер Г.Тўраевага таъзийқ ўтказиб, уни хонавайрон қилишга ҳаракат қияпти.

Яна бир гап, 2013-йил лойихадаги намунали 36-та уйга хашар йўли билан Банкка пул тўланган, ҳақиқатда эса 35-та уй қурилиб, 1 та уйнинг пули Жиззах вилояти Курилиш Банкидан Э.Ғайбуллаев топшириғига биноан қайтариб олинган. Худди шундай фирибгарлик 2014 йилда ҳам содир этилган бўлиб, кейинги хашар йўли билан пули тўланган 41 та уй ўрнига ҳақиқатда 40 та уй қурилган ва биттасининг пули яна ҳоким Э.Ғайбуллаевнинг топшириғига асосан Банкдан қайтариб олинган.

Э. Ғайбуллаевнинг жазмани Жумаева Наргиза сохта диплом билан бир неча йил боғча мудир бўлиб ишлаган. Бу ишларни ҳоким Э.Ғайбуллаев яшириб юрган. Айни вақтда Н.Жумаева Жиззах Давлат Педагогика Институтини талабаси хисобланади.

Яна шуни малум қиламизки, Н.Жумаева Зарбдор АгроБанкидан 3 та кредит олган. Шундан биттасини ўз номига расмийлаштириб, талаба кредитини олган, қолган иккитасини бошқа шахслар номига расмийлаштирилиб, олинган кредитлар Н.Жумаевага тегишли бўлсада, у олган кредитларни негадир мактаб, коллеж директорлари, ташкилот раҳбарлари ва фермерлар тўлаган.

2013-йилда Н.Жумаева Агро Банк бошлиғи Исомиддинга қўнғирок қилиб иккита фермерлар номини айтиб уларнинг ҳисоб рақамидаги маблағларни намунали лойиха асосида қурилган уй жойга ўтказиб беришни талаб қилган. Банк раҳбари бу фермерларнинг инкассаси борлини айтганида Наргиза унга бақириб: “ ...

“Агар ишлашни хоҳласанг ўтказасан, акс холда бошингга итнинг кунини соламан”, ишлатгани

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қўймайман” деб сўқиниб, бақириб ҳақоратлаган. Кечки мажлисда ҳоким Банк бошлиғига тўсатдан томдан тараша тушгандек: “Ишдан кет”, деб бақириб берган. Жазмани қурғур Банк раҳбарини ҳокимга аллақачон ёмонлашга улгурган экан. Мана бир неча йилдирки “Жазманнинг зўри, банк бошлиғининг шўри”, қабилада зуғм давом этиб келмоқда, Банк бошлиғига кун йўқ. Худди шундек зуғумни Н. Жумаева туман Кадастр хизмати бошлиғи Шерзод Икромовга ўтказиб, уни ишдан хайдаб юборди.

Юқоридагилардан ташқари Ишатов Ровшан ва озуқа омукта ем қорхонаси бошлиғи Курбонбеков Эшдавлатлар ҳоким жазманининг топшириғини бажаришга доим хозир у нозир бўлиш билан бирга туман ҳокими Э.Ғайбуллаевнинг ғазначилари хисобланади.

Янги қурилган коттеж олдидаги 24-умум талим мактаб директори Каримова Соҳибани кўғирчок раҳбар дийиш мумкун. Аслида раҳбарликни Н.Жумаева бошқаради ва жуда кўп йўқ ишчилар номидан ойлик маоши олиб туради.

Н.Жумаева на фақат мактабда, балки бутун зарбдор туманида раҳбарлик қилади.

Н.Жумаева дугонаси билан янги йўлдаги санаторияда дам олганларида улар дам олишлари учун Зарбдор шифохонаси профсоюз кумитаси раиси Мустафоқул Мовланович ўз пластик карточкасида улар ўрнига санатория хисоб рақамига пул тўлаган.

“Митти зрапча” ф/х. раҳбари Гулчехра Тўраеванинг қандай фазилати Н.Жумаевага ёкмаганини билмадик ку лекин ўшанда вилоят иқтисодиёт бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган пайтда Э.Ғайбуллаев Г.Тўраеванинг Г.Тўраеванинг Миср Араб Республикасига Ўзбекистоннинг илғор фермер ташаббус кўригида лауреат бўлиб, бориб келган пайтдан бошлаб унга қарши тишини қайраб, Банкдан Г.Тўраеванинг хисоб рақамидаги маблағларни олиб қўйган. 2009-йилда Э.Ғайбуллаев Зарбдор туманига ҳоким бўлганидан бошлаб Г.Тўраевага таъзийқни кучайтириб, 2010 йилда Г.Тўраеванинг устидан жиноят иши қўзғатириб уни ҳибсхонага тикқан, лекин асос

бўлмаганлиги учун у ҳибсхонадан озод қилинган.

Шундан кейин ҳоким Э.Ғайбуллаев ўзининг “химоячилари” сурункали давлат режаларини бажармай келаётган қоқоқ



ф/х лари раислари Г.Якубова, Х Кўчқарова ва О. Нороваларни ишга солиб, Г.Тўраева устидан тухмат ва бўхтонлардан иборат шикоятлар ёзишни буюрган. Натижада уларнинг таъзийқлари қарши Г.Тўраеванинг ёзган шикоятига асосан Н.Жумаевага нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, жиноят иши қандайдир номаълум сабабларга кўра Зомин туман Прокурорига утказилиб, хозирги кунда ҳеч қандай тергов ҳаракатлари олиб борилмаяпти. Бу ҳолатдан туман ҳокими Э.Ғайбуллаевнинг жазаваси тутиб, 16.10.2014йилда тумандаги барча мутассади раҳбарларни йиғиб хуффиёна мажлис ўтказиб, мажлисда очикдан очик Г.Тўраевага нисбатан жиноят иши қўзғатишни талаб қилиб, солиқ идораси бошлиғига: “Битта фермерга жиноят иши қўзғата олмасаларинг палонни еб юрибсанларми?”, деб ҳақорат қилган. Бу ҳақоратдан кейин солиқ идораси бошлиғи мажлисдан чиқиб кетган.

Зарбдор туман проқрори Я.Салоҳиддинов, туман ИИБ Бошлиғи Б. Умаров тумандаги барча махалла раислари, мутассади раҳбарлар Жиззах вилоят хўжалик судининг кўплаб судялари Э.Ғайбуллаевга: “Кўйинг, сизга ярашмайди бу ишингиз, у аёл ку, уч нафар фарзанднинг онаси ку, ярашиб қўя қолинг”, деганига Э.Ғайбуллаев: “Йўқ, мен барибир Г.Тўраевани йўқ қиламан, қаматаман”, деган фикридан қайтмади. Ушбу муаммо ҳақида давлатимизнинг барча ҳуқуқни химоя қилувчи идораларига мурожаат қилиб хабар берганмиз. Хатто Олий Мажлис депутатлари О.Маматов ва Ғ.Омонқуловларга ҳам ёзма мурожаатлар тақдим этилган. Лекин улар ҳам бу муаммони хал қила олмаслигига

амин бўлдик.

Ушбу натижасиз ҳаракатлардан хулоса қилиб айтганда, туман ҳокими Э.Ғайбуллаевнинг ҳақиқатан ҳам Президент И.Каримовнинг ёнида юрган Атаев исмли шахс мавжуд бўлиб, уни қаттиқ химоя қилаётган экан.

Туман ҳокими Э.Ғайбуллаев Атаевнинг химоясидан фойдаланиб, Г.Тўраеванинг давлатдан ижарага олган 42,8 гектар ер майдонига чанг солиб, вилоят хўжалигига даъво ариза киритиб, биринчи босқич судининг 4.09.14 кунги қарори билан Г.Тўраеванинг ф/х ёпилди. Ушбу Қарор апелляция тартибида вилоят хўжалик судида 22.10.14 куни кўрилиб, биринчи босқич судининг Қарори ўзгаришсиз қолдирилди. Лекин шу кунгача суд Қарорини Г.Тўраевага беришдан бош тортишмоқда.

Аслида туман бўйича 45 та ф/х юзасидан даъво ариза киритилган, лекин қолган ф/х тақдири ханузгача хал қилинмаган, фақат Г.Тўраеванинг ф/х тугатилган, яъни фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги кўпол равишда бузилган.

Э.Ғайбуллаев 6 йилдан буён Г.Тўраевага нисбатан таъзийқ ўтказиб, уддасидан чиқа олмаганидан, ярашса яхши бўлар эди.

«Йиқилган курашга тўймайди», дейди доно халқимиз, ха шундай. Э.Ғайбуллаев курашга тўймай, эркак бўла туриб, аёл кишини кураш майдонига чақирмоқда, яъни туман ҳокими аёл кишига қарши майдонга чиқмоқчи. Бу курашда томонларнинг вазн тенглига қоидаси инобатга олинмаган. Ушбу курашни “Озодлик” радиосининг “Баҳс майдони” рукнида ёритилишни истаимиз.

Ҳурмат билан:  
**А.Саримсоқов**  
**Ш.Рустамов**



(Давоми: Боши олдинги сонда)



### Ҳазрати Ҳадича

Ҳазрати Ҳадича жоҳилия даврида Тоҳира деб чакирилар эди. Икки марта эрга тегиб, тул қолганди.

Нафиса бинти Муля (Умайя) шундай дейди: «Ҳадича бинти Хувайлид бин Асад бин Абдулузза бин Кусайй ўз ишини яхши билган, қатъий ҳаракатли, шарафли бир хотин эди.

Ҳадича Куръайш хотинлари ичида зоти юксак ҳамда бойлардан эди. Шу боис, ҳар бир эркак унга уйланиш учун пул сочарди.

Муҳаммад (алайҳиссалом) Шом тижоратидан қайтганидан сўнгра Ҳадича мени унинг ёнига юборди. Ҳадича Муҳаммад (алайҳиссалом) нинг унга уйланишини истаб-истамамлигини билмоқ истарди. Мен Муҳаммад (алайҳиссалом) нинг ёнига бориб: «Эй Муҳаммад, сен нега уйланмайсан?», деб сўрадим.

- Кўлимда пул йўқ, қандай уйланаман, — деди у менга.

- Агар уйланиш масрофи топилса ва сен жамолга, молга, шарафга даъват қилинсанг, сен ижобат қиласанми?, — деб сўрадим мен.

- Ким у хотин! — деб сўради Муҳаммад (алайҳиссалом)

- Ҳадича, — дедим мен.

- Бу сенингча қандай бўлиши мумкин?

- Бу ёғини менга қўйиб бер, бу менинг вазифам, — дедим мен.

- У ҳолда айтганинг бўлсин, — деди Муҳаммад (алайҳиссалом).

Мен бу суҳбатни дарҳол Ҳадичага билдирдим». (Ибн Саъд, 1/131).

Бу хабарни олган Ҳазрати Ҳадича Пайғамбаримизга: «Эй, амакимнинг ўғли, ақрабам (қариндошим) бўлган қавм ичида энг шарафли, энг амин ва тўғри сўзли бўлганинг учун сен билан уйланишни орзу этмакдаман. Амаким Амр бин Асадга бориб, ундан мени иста», дея мужда йўллади.

Кейин амакиси Амр бин Асадга никоҳларини қийиши учун алоҳида хабар юборди.

### Никоҳ маросими

Никоҳ маросимида Ҳазрати Ҳадичанинг амакиси Амр бин Асад билан Пайғамбаримизнинг амакилари ҳозир бўлдилар.

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (19).

Ҳазрати Ҳадичанинг тайёрлаган кўй этидан пиширилган таом ейилганидан сўнг, Ҳазрати Ҳадича Пайғамбаримиз алайҳиссаломга «амакинг Абу Толибга айт, мени сен учун истасин», деди.

Абу Толиб оёққа туриб: «Аллоҳга ҳамд бўлсинки, У бизни Иброҳимнинг зурриётидан, Исмоилнинг наслдан, Моаднинг маъданидан ва Мудорнинг аслидан яратди. Бизга ҳаж қилиш учун бир байт (маъбад), ичида ҳузурга қовушилажак бир ҳарам эхсон этди. Бизни бу Ҳарамнинг посбони айлади. Энди биродаримнинг ўғли Муҳаммад бин Абдуллоҳ билан Куръайшдан ким киёсланса, муҳаққак Муҳаммад ундан зоти, ақли ва фазилати билан устун тutilsажакдир. Муҳаммаднинг Абдулмутталиб ва Ҳошим каби шонли оталарнинг набираси эканлигини биласизлар. Энди у қизингиз Ҳадича бинти Хувайлидга уйланишни орзу этмакдадир. Айни пайтда, Ҳадича ҳам унга тегишни истамакда. Ҳадичага махр сифатида нима берайин?», деди.

Абу Толибнинг бу сўзларидан кейин Ҳадичанинг амакисининг ўғли Варақа бин Навфал оёққа туриб: «Аллоҳга ҳамд бўлсинки, У бизни ҳам сен баён қилганинг каби яратди. Сен санаган фазл ва шараф ила бизни ҳам мумтоз айлади. Биз ҳам арабларнинг улуғлариданмиз, сизлар ҳам шундайсизлар. Биз ҳам сиз билан қариндошлик қуришни орзу этамиз. Эй, Куръайш жамоати, шоҳид бўлинг, мен Ҳадича бинти Хувайлидни тўрт юз динор махр билан Муҳаммад бин Абдуллоҳга никоҳладим», деди ва жим бўлди.

Ҳадичанинг амакиси Амр бин Асад: «Эй Куръайш жамоати, мен ҳам Ҳадича бинти Хувайлидни Муҳаммад бин Абдуллоҳга никоҳладим», деди.

Никоҳ маросимида ҳозир бўлган Куръайшликлар бунга шоҳид бўлдилар.

### Тўй

Ҳазрати Ҳадича ўз тўйида жорияларига доира чалдириб, ўйинлар ўйнатди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом уйдан ташқарига чиқар экан, Ҳазрати Ҳадича:

- Эй Муҳаммад, қаерга кетаяпсан, амакинг Абу Толибга учра, туяларидан биттасини сўйиб, халққа берсин, — деди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтилганидай қилди.

Пайғамбаримиз уйланганида 25 ёшда, Ҳазрати Ҳадича эса 40 ёшда эдилар. (Ибн Саъд, 1/132).

### Зайд бин Ҳориса

У саккиз ёшли бола экан, Бани Қайн отлиқлари босқинида асир олиниб, бозорга чиқарилганида, уни Ҳаким бин Низом 400 дирхамга сотиб олиб, холаси Ҳазрати Ҳадичага берганди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Зайдни кўриб, «бу кул меники бўлсайди, уни дарҳол озод этардим», деди.

Ҳазрати Ҳадича ҳам «у ҳолда бу кул сеники», деди ва Пайғамбаримиз алайҳиссалом Зайдни дарҳол озод этди. Кейин уни ўғил сифатида қабул этди.

### Ҳазрати Али

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ҳошимийларнинг энг бадавлати бўлган амакиси Ҳазрати Аббоснинг ёнига бориб: «Эй Аббос, биродаринг Абу Толибнинг оиласи жуда катта. Ҳозир қийинчилик даври. Қийналишяпти. Унинг ўғилларидан биттасини сен, яна биттасини мен олсам, унинг юқини энгиллатган бўлардик», деди.

Ҳазрати Аббос бу таклифни қабул этди.

Икковлон Абу Толибга бордилар. Абу Толиб «Оқил ва Толибни менга қолдириб, қолганларидан истаганингизни олинглар», деди.

Шунда пайғамбаримиз — Ҳазрати Алини, Ҳазрат Аббос эса — Ҳазрати Жаъфарни ўз ҳомийлигига олган эди.

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

### Пайғамбаримизнинг Ҳазрати Ҳадичадан туғилган фаззандлари

Пайғамбаримизнинг Ҳазрати Ҳадичадан икки эркак ва тўртта қиз фарзанди туғилди. Тўнғич ўглининг исми Қосим эди. У икки ёшида вафот этди. Пайғамбаримизнинг бутун фарзандларига София бинти Абдулмутталибнинг жорияси Салмо хотин энагалик қилди.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг иккинчи ўглининг исми Абдуллоҳ эди. У ҳам вафот этганида, мушриклардан Ас бин Воил Пайғамбаримиз алайҳиссаломни назарда тутиб: «У — абтар, насли давом этмаяжак бир одам. Ўлганидан кейин унутилади», деган эди. Бу муносабат билан Аллоҳу Таоло «Кавсар» суръасини индирганди.

Пайғамбаримизнинг ҳазрати Қосимдан сўнгра илк туғилган қизи ҳазрати Зайнаб эди. Ундан кейин Ҳазрати Рукия туғилди.

Ундан кейин Ҳазрати Умму Кулсум, ундан кейин эса Ҳазрати Фотима туғилди.

Ўшанда Пайғамбаримиз алайҳиссалом 35 ёшда эди.

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (19).

### Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ваҳий келишидан аввал зуҳур этган ҳодисалар

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий ва пайғамбарлик келишидан икки йил аввал яҳудий олимларидан Ибн Ҳаййибон Шомдан Мадинага келиб ерлашди ва кўп ўтмай ўлим тўшагига тушди.

Ўлажагини англаган Ибн Ҳаййибон Мадиналик яҳудийларга: «Эй, яҳудий жамоати, фаровон бир ўлкадан бу йўқсил мамлакатга мени нима олиб келди, биласизми?», дея мурожаат қилди.

Яҳудийлар «билмаймиз», дейишди.

- Мен бу мамлакатга яқинда келиши керак бўлган ва бу ерга хижрат қилажак бир пайғамбарни кузатиш учун, унга тобе бўлишни умид қилиб келдим. Эй яҳудий жамоати, унга тобе бўлишга кечикманглар!» — деди ва ўлди.

Пайғамбаримиз қирқ ёшга тўлмасдан аввал (ўттиз саккиз

ёшида) ғаройиб нурлар кўрар ва ғалати саслар эшитарди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом уйдан чиқиб, Макка ташқарисидаги водийга чиққанида «ассалому алайка ё Расулulloҳ», деган сасларни эшитар ва атрофига аланглаб қарар экан, дарахт ва тошлардан бошқа ҳеч нарса кўрмасди.

Асҳобдан Жобир бин Самураининг ривоятига кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга «Маккада бир тошни танийман, у пайғамбар ўлароқ юборилишимдан олдин менга салом берарди», деган.

### Ҳазрати Муҳаммаднинг шакли ва шамойили

Ҳазрати Али Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шакл ва шамойилини шундай таъриф этади: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом на узун бўйли, на-да калта эди. У узунга яқин ўрта бўйли эди. Унинг қўл ва оёқ бармоқлари йирик ва этли эди.

Боши вужудига мутаносиб шаклда катта эди.

Елкалари, тиззалари ва билаклари суякдор эди.

Кўксидан қорнига қадар узанган чизги шаклида ҳафиф қил бор эди. Кўкси ва қорнида бундан бошқа

қил йўқ эди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом юрар экан, оёқларини судраб олмасди, одимларини жонли ва узун ташларди, гўё тепадан инаётган каби, қаддини олдинга эгиброқ юрарди. Сочлари на жингалак, на-да текис эди.

Соқоли қалин эди.

Юзи бироз юмалоқ, аммо том юмалоқ эмас эди.

Бўйни узун, кумуш каби пок ва порлоқ эди.

Тани қизғиш билан қоришиқ оқ эди. Юзидан оққан тер инжу каби эди, ундан миск ҳиди келар эди.

Кўзлари йирик эди. Кўз қорачиқларининг қораси коп- қора эди. Кўз оқида ҳафиф қирмизи ранг бор эди.

Вужуди на ориқ, на да семиз эди.

Қараса бутун вужуди билан ўгирилиб қарарди.

Икки курагининг ораси кенг эди. Елкасида пайғамбарлик хотами (белгиси) бор эди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломни даъфатан кўрганлар унинг маънавий

викор ва ҳайбатидан саросимага тушардилар.

Уни яқиндан таниганлар эса, унга теран бир севги ва ҳурмат ила боғланар эдилар. Унинг юксак хислат ва қобилиятларини айтиб беришни истаган ҳар ким «мен на ундан олдин, на ундан кейин унга ўхшаган бир зотни кўрдим», дерди.

Ҳазрати Ҳадичаниннг ўз ўғли, Пайғамбаримизнинг ўғай ўғли бўлган Ҳинд бин Абу Ҳолонинг ва бошқа саҳобаларнинг айтишига кўра: «Ҳар қандай улуғлик Расулulloҳ алайҳиссаломда мужассам эди. Унинг юзи ўн тўрт кунлик ой каби эди. Сочини ўстирганида, сочлари қулоқларининг устига тушарди. Қошлари узун ва қавсли эди. Учлари инжа, оралари яқин эди. Икки қошининг орасида бир томир бўлиб, ғазабланганида, бўртиб чиқарди. Юзидаги мутаносиблик диққат чекарди. Бурнининг учи нозик эди. Ёноқлари текис эди, бўртиб чиқмаганди. Оғзи табиий катталиқда эди. Тишлари инжу каби эди. Вужудининг бутун узвлари тўғри эди. Бадани қувватли эди. Қорни ва кўкси айни баландликда эди, қорни дўппайиб турмасди. Ечинганида вужудидан нур сочиларди. Вужуди жунли эмасди. Билак ва оёқ суяклари кенг эди. Қўл ва оёқ бармоқлари қалин ва узун эди. Товони текис эмас, чуқур эди. Оёқлари ҳафиф этли эди. Юрганда чайқалиб юрмас, одимларини катта отиб, викор ва сукунатда юрарди. Атрофга алангласди. Юқоридан кўра, кўпроқ ерга бокиб юрарди. Аммо ерга ҳам кўз учи билан боқарди. Юрар экан саҳобалардан орқароқда юрарди. Бировни учратса, аввал ўзи салом берарди. Расулulloҳ алайҳиссаломнинг юзи ва овози ғоят гўзал эди».

Умму Маъбаднинг ривоятига кўра: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом сукутда экан, унда викор ва вазминлик пайдо бўлиб, гапирганда очик юз билан гапирарди. Сўзлари худди инжу каби оғзидан тўкиларди. Сўзи очик эди. Ҳақ ва ботилни айиргучи эди. На ожизлик ҳисобланажак қадар оз, на-да бўш ва кераксиз ҳисобланажак қадар кўп эди. Узоқдан қараганда инсонларнинг энг ҳайбатлиси эди. Яқинига келганда ўзига жазб этадиган даражада ёқимли зот эди. Қовоғи солиқ эмасди, кулар юзли эди».

(Давоми келгуси сонда)

## Ўлимдан сўнг ҳаёт борлиги ўз илмий исботини топди

Берлиндаги Техником  
университетининг бир гуруҳ  
германиялик психологлари  
ўлимдан сўнг ҳаёт мавжуд эканини  
исботлашди.

Сўнги тўрт йил давомида  
олимлар 944 та кўнгилли (талабгор)  
кишиларда тажриба ўтказишди.  
Улар наркотик модда истеъмол  
қилишиб, 20 минут клиник ўлим  
ҳолатига тушиб қолганлар.

Дорида адреналин ва  
диметилтриптами кўшилган  
бўлиб, у жасадни клиник ўлим  
вақтида жасадни яшаб қолишига  
ва зарарсиз соғлиги қайта  
тикланишига имконият беради.

Тажрибанинг жуда ҳам  
узок давом этиши юрак-ўпка  
реанимациясининг ривожланиши  
туфайлигина мумкин бўлади. Бў тур  
техникадан сўнги йилларда ўлим  
олдидаги беморни уйғотиш зарур  
бўлган фавқуллодда ҳолатларда  
фойдаланилади.

Бунга ўхшаш тадқиқотлар  
маълум, биринчи марта доктор  
Бертолд Акерман ва унинг жамоаси  
тана ва ақл ўртасида дуализмнинг  
очик формаси мавжуд, деб  
ҳисоблашмоқда.

Гуруҳ раҳбари Бертолд Акерман  
тажриба ўтказилганларнинг  
аксарияти руҳий кечинмани бошдан  
кечириб, танадан ажралган пайтда  
тинчлик ва роҳатни ҳис қилганлари  
ва ёруғлик (нур) ни кўрганларини  
тасдиқлайди. Синовлар натижалари  
ўлимдан сўнг ҳаёт борлигини  
кўрсатмоқда.

Лекин кўпчилик тадқиқотчилар  
бу уринишларни одобдан ташқари  
ишлар сифатида таснифлаб, танқид  
қилмоқдалар.

Экспертлар ўзларининг далиллари  
инсонларни шокка тушириб  
қўйишини билишларини ва турли  
мавзулар бўйича диний саволлар  
туғилаётганини тушинтиришмоқда.  
Ҳақиқатда, волонтерлар турли  
хил динга этиқод қилувчилар  
— христианлар, мусулмонлар,  
яхудийлар, ҳиндуизм динига  
этиқод қилувчи кишилар ёки  
умуман динсиз атеистлар бўлишган.

«Мен натижаларимиз  
кўпчилик инсонлар этиқоди  
билан қарама қарши келишини  
биламан, нима бўлганда ҳам,  
биз шунчаки инсониятнинг энг  
катта саволларидан бирига жавоб  
бердик. Бу инсонлар бизни маъзур  
тутадилар, деган умиддаман. Ҳа,  
дарҳақиқат ўлимдан сўнг ҳаёт бор  
ва бу ҳаммага тааллуқли», — деди  
доктор Акерман.

Манба: info.islom.uz



## Дуо ўрнида

(Ойдиннинг хотирасига)

*Бисмиллаҳирроҳманирроҳийм.*

**Инна иллаҳи ва инна илайҳи  
роҷнун.**

Кеча пешин номозидан кейин  
ўзимнинг ярмимни Истанбулнинг  
Онадўли ёқасидаги Қоража Аҳмад  
қабристонига кўмиб келдим.

Севгилимни кўмиб келдим.  
Китобимдаги ҳузунли  
шеърларнинг қаҳромони бўлган  
бир аёлни Истанбул тупроқларига  
топширдим.

Ойдин душанба куни ўлишни  
орзуқиларди, чунки Пайгамбаримиз  
душанба куни вафот этган эканлар.  
Ойдиннинг орзуси деярли ушалди,  
уни душанба куни дафн этдик.

У гоя инсони эди. Аввал  
оиламизда, кейин унга ишонганлар  
орасида Қуръони Карим амрларини  
ва суннат қоидаларини ҳаёт тарзи  
ўларок тадбиқ этди ва бу мақсадига  
қўли ва сўзи етган жойда эришди.

Марҳаматли эди. Ўлимидан  
олдин ризолик истадим, «албатта,  
сиздан мингдан-минг розиман,  
жоним» деди. Мукофотимни шу  
захоти берди, нозу фироқсиз.  
Ҳолбуки, қаршисида турган бир  
золим эди.

Сабр тимсоли эди. Йўқ сабрнинг  
ўзи эди. 40 йил яшадим у билан.  
Ҳаётимиз алғов-долғовли кечди,  
билиб-билмай унга, болаларимга  
зулм қилдим, матонат билан  
қаршилади. Дудокларидан бирор  
марта шикоят чиқмади, инграмади.  
Йиғламади. Кўз ёшларини  
гизлаярак, Оллоҳ ато ятган масъум  
чехраси билан юзланди бизга.

Ораларни тузатувчи эди. Менинг  
қусурларимни фарзандларимдан,  
фарзандларимнинг қусурини

мендан гизлади, уларга мени, мени  
уларга мадҳ этди.

Ҳеч қачон ғийбат қилмади.  
Бировдан хафа бўлиб, бир-икки  
калима сўзлар-сўзламас, дарҳол  
тўхтаб, истиғфор келтирар, »  
ғийбат бўлди» дея уялар эди.

Юришида, туришида,  
ўтиришида, боқишида ва  
фикрларида бир ҳаё, бир асолат бор  
эди.

Мушоҳада этар экан, гўзал  
ташбих (метафора) учун фикр  
моҳиятидан асло воз кечмайдиган  
бир жиддият ва масъулият туйғуси  
бор эди.

Ҳақиқий бир тавозе сохиби эди.  
Унга хизмат қилиш учун юзлаб  
аёллар эшиги олдида навбат тутди,  
аммо у ҳеч кимни ўзига хизмат  
қилдирмади, доим хизмат қилди.  
Амр бермади, доим амр кутди.  
Ҳукмдорларнинг хотинлари оёғига  
келди, аммо бундан ғурурланмади,  
Онадўлидан келган йўқсил  
хотинларига қандай муносабатда  
бўлса, маликаларга ҳам шундай  
муносабатда бўлди: самимий,  
содда ва меҳр ила.

Ёлғонни билмас эди, вадасига  
вафодор, кул ҳаққини ихлол  
қилишдан қаттиқ қўрқарди.

Пайгамбаримизнинг жуфти  
ҳалоли Ҳазрати Хадича онамизнинг  
ҳаётига эмранар эди. Ўларкан,  
мардона, бир мужоҳида каби ўлди.  
Дудокларида сўнги дамгача Аллоҳ  
ва унга ҳамд бор эди.

Раҳмон ва Роҳийм бўлган  
Роббим, у сенинг ризонг учун  
яшаган бир қулинг эди, унга  
мағфират айла.

**Муҳаммад Солиҳ**

10-ноябр 2014-йил Истанбул.



**(Ҳакима Ойдин Солиҳнинг сўнги кунлари ҳақида)**

Буюк чиноримиз кўчди. Хонадонимизнинг таянчи, кўнгил олувчи, ораларимизни тузалтувчи, авф қилувчи онамиз. Илдизлари мустаҳкам эди. Мевалари ширин-ширин, доллари узун, файзли. Бу дунёни иймони мустаҳкам бир ҳолда тарк этди. Вазифа тугади, нафас кесилди. Боши ўнг тарафга бурилган, ҳатто биз ҳам билолмадик, сассиз садосиз вафот этди. Улимидан бир неча кун аввал ўзини бошқа бир оламда ҳис қилар, қўлларини юқорига кўтарган ҳолатда “ол мени” дерди. Кафани тайёр, сочиғи тайёр, тобути тайёр. Қуритилган атири ва мушки-анбари тайёр.. Ҳаёти ўрناق бўлгани каби ўлими ҳам ўрناق бўлаётганди.

Менинг гўзал Ойдин онам. Ҳар доим ўзи курашган даъво йўлида бу



унга кафан ҳадия қилганди. Вафот этганида ўлчадилар, бичдилар ва бу кафан кичкина, бўлмади дедилар. Қуриганди жоним Ойдин онам, кичрайганди. Бу дунёнинг заррасини ҳам ўзи билан олмаганди. Кафани ортиб ҳам қолишини билолмадилар. Раббим биларди, шунинг учун ҳам қисқа бир кафан сақлашни насиб қилганди. Кафанига қуритилган атир сепганимизда бир келин каби бўлди. Кафанлар ичида шундай тўғри ётардиларки, сабр қилиб саломатга эришганди.

Жасади сабот ва матонат тимсоли эди. Шу онда ҳаммамиз уни инжа бир «Алиф» харфига ўхшатдик. Рабби хузурида ҳали ҳам қуллик вазифасини адо этаётгани билиниб турарди. Покиза бир тарзда қовушди Раббисига, ахли ҳам бунга шохид. Ишонаманки, Раббим ҳам бунга шохид.

**“Пайғамбар афандимиз с.а.в. сўзларига риоя қилар, амалда қўлларди..”**

фоний дунёга кўз юмди. “Нега овқат емаслигимни тушунасан, шундайми?” – деди бир куни. “Оч ҳолда кўз юмиш учун”. “Раббимга оч қовушиш учун”. Ойдин онам Раббисига оч қовушди. Ўнинчи очлик кунини дафн қилинди. ИншаОллох ифторини кабрида қилади.

Сўнги уч кун сув ҳам ича олмади. Умид қиламанки сувсиз қолган бу Карбало саҳроси ёнғинини кабри бошидаги чашманинг орқасига ёзилган шу ояти карима сўндиради. “Раббилари уларга покиза бир ичимлик беради”.

Ҳамда уйқусиз вафот этди Ойдин онам. Неча кун ва неча тун ухламади, оғир имтиҳонларда сабр қилди, Оллохдан рози бўлганди. Абадий зиёрат масканига буткул риёзат ичида, нафсини мағлуб қилган ҳолда, мартабалари устун бўлган руҳи олий ила вафот этди. Ҳаста вақтида бир куни “шаҳид бўлишни жуда истадим,

бўлмади”, — деди. Таъбир жоиз бўлса уч ҳалифа шаҳид бўлганини эслатиб ўтмоқчиман. Ҳазрати Абу Бакр розияллоху анху эса ётоғида вафот этганди. Чунки у зотан Сиддиқ эди, шаҳодатдан ҳам юксакроқ Сиддиқ мақомида эди. Мен ҳам ажз ва фақр ила, Оллохга бўлган ҳусни зон ила айтаманки, иншаОллох Ойдин онам ҳам бу даврнинг Сиддиқ мақомига эришди. Пайғамбар афандимиз с.а.в. сўзларига риоя қилар, амалда қўлларди. Содиқа эди. Қанча муҳим сифатларига шохид бўлдим. Энг гўзал сифатларидан бири эса исрофгарчиликдан нафрат қилиши эди. Исрофгарчиликка ошқора қарши эди, ундан жаҳли чиқарди. Соғ вақтида Қуръон ўқирди, хаста вақтида эса Қуръонни тингларди, баъзи оятларга йиғларди, бугунги ҳаётимизга оид мисоллар келтирар эди. Бундан бир неча йиллар илгари яқин бир дўсти

Ҳозир уйимизда чуқур бир ҳузн, катта бир бўшлиқ бор. Асло ўрни тўлмайди. Юмшоқ насиҳатлари, сўнг кунларигача жоним деб, қизим деб хитоб қилишлари асло унитилмайди. Руҳини акс эттирувчи, асраб-авайлагани, зикир билан экиб парваришлагани, жуда севгани боғчаси қайта жонланирмикан? Бўйни эгилиб қолган ғунча гуллари биздан шикоятчи бўлмамикан?

Ҳа Ойдин онам ҳақиқий бир олима эди, мужоҳида бир аёл эди. Шу қадар шафқатли, марҳаматли, сидқи-дилдан онам ўрнига қўйганим қайин волидам эди. Оллох раҳмат қилсин.

*Инна лиллаҳи ва инна илайҳи  
роҷиъун, Ва инна ила Роббина  
мункабилун.*

Келини **Ҳожар Дулқор Солиҳ**  
*Туркия туркчасидан  
ўзбекчалаштирилди*



Хоразм вилоятидаги манбамизнинг хабар беришича 2 кундан бери хоразм вилояти боғот тумани Хитой қишлоғи аҳолисининг аксарияти аёллардан ташкил топган бир

**Хоразмда одамлар кўчага чиқишди**

гурух оломон норозилик намойиши ўтказмоқда.

Бу намойишчиларнинг асосий мақсади газ йўқлиги ва ҳокимият идорасидан газ талаб қилаётганидир. Бу йил қиш эртароқ ва совуқроқ келганига халқ чидай олмай кўчага чиқишга мажбур бўлишган.

Намойиш иштирокчиларидан бирининг сўзларига кўмир олай деса кўмирнинг сифати йўқ ва одамлар уни олишдаги кўз бўямачиликлардан безиб кетишган.

Бир тонна деб олаётган кўмирининг 700 кг дан ошмаслиги ва уни олгандан кейин унинг ярими тош ва ҳеч нарсага ярамайдиган кўмир кукуни экан. Бу ғалаённи эшитган аввалдан юрагидан шикоят қилиб келган туман ҳокими Рўзибой Бекчановнинг мазаси қочиб туман шифохонасига тушган.

**ЎХХ ахборот бўлими**

**(давоми)**

...Ва Махмуд Худайберганов тўдаси билан Зокиржоннинг тўдаси ўртасида беаёв отишмалар бошланиб кетади.

Махмуднинг тўдасини беш бармоғидай танийдиган Зокиржон илкисдан ўқ узишни бошлаган Махмуднинг каллакесарларининг нима қилаётганларини тушунмасдан, аввалида таҳликага тушади. Икки ўртада нималар содир бўлаётганини англай олмай қолган халқ қий-чув бўлиб қирилаётганини кўргач эса, у президентнинг муддаоси амалга ошаётганидан терисига сиғмай, суюнади.

Унинг хаёлида “йилт” этиб чакнаб ўтган бир учкун, ҳали иш бошланмасдан унга президентнинг кўнглини муқаррар овлаганини иддао қилаётгандек туюлади. Ўшанда, барчаси тескари кетаётганини англаганда эди, у вақтни бой бермасдан МХХ бошлиғи Рустам Иноятовни отиб ташлаб, ҳозиргача ҳам бош жаллодлик мақомини ҳеч кимга бермаган бўларди. У шунчалик кудратда эдики, бу ишни хамирдан қил суғургандек осонлик билан амалга оширишга қодир эди. Унинг суянчиқлари бўлган бой билан графда Каримовга ўхшаган юзлаган довдирларнинг хийланайранлари зоҳир эди.

Афсуски, у нусрат отида довруқ солиб, жарга томон олға борарди. Жиноят оламининг корчалонлари бўлган хомийларининг ишончларини суъистимол қилаётганини билмасди. Улардан вақтида маслаҳат сўраб, кўрсатмаларга оғишмай амал қилганида эди, Ўзбекистондаги жиноят олами Гугушанинг кўлига ўтмасди, Рустам Иноятов ҳеч қачон бош жаллодлик мақомига кўтарила олмасди.

Махмуднинг президент томонидан махсус ёлланган тўдалари ҳам, унинг ўзи ҳам чинакамига Зокиржоннинг махсус тайёргарликдан ўтган тўдасини, четдан ичкарига ёриб ўтиб, ёрдамга етиб келган хорижликлар, деб ўйлаган эдилар. Зокиржоннинг не-не ниятлар билан президентга яхши кўринаман, дея, яширин тузган шайқаси, унинг ўзининг бошига

балолар орттираётган эди.

Бутун дунё бугунги кунда жуда яхши билгани каби, ўшанда икки ўртада ҳеч бир айби йўқ халқ қирилди. Уларнинг орасида ёш ҳам қари ҳам, эркак ҳам аёл ҳам, ўспиринлар ҳам, норасида гўдаклар ҳам бор эдилар. Уларнинг ҳеч бирига раҳм-шафқат бўлмади, уларни улоқчи отлар оёқлари остида боши кесилган улоқни қанақа топтаса, худди шундай қилиб қора қонига

деётганларини билмасдан валдираганлари, кўзларини очиб туш кўраётиб, алжираганлари холос.

Бужойда бирор сирли нарсанинг ўзи йўқ. Каримов қўлидан иш келмаслигини, мамлакатни бошқара олмаётганлигини халққа билдирмаслик учун устаси фаранг андижонликларни қонига ғарқ қилди. “Сабр-тоқатли”, “бағри кенг”, “ҳиммати баланд, қўли очик”, “мард ва вафодор” ўзбек

## “Ҳаммасини отиб ташланглар”-2

қордилар. Ҳар бирини торта-торт қилиб, ўлигига минг тепдилар. Икки тўда бир-бирини танигач, уларнинг ваҳшийликлари ҳаддан ошди, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган пасткашликлар содир бўлиб, президентдан адолат истаб майдонга чиққан халқ ўз юрти, ўз уйи ичида бедодликларга рўпара келди...

Ўлган ўлди, ўзини эплаган қочди. Майдонда қолган ярадорларни ҳам, мурдаларни ҳам президентнинг буйруғи билан қайтадан битта-битталаб отиб, ғўла ортган каби КАМАЗларга ортдилар.

Кейин Каримовнинг Зокиржон бошлиқ ёвуз тўдалари оч бўридай санғиб, уйма-уй юрди, шифохоналарни тинтиб қолган-қутган ярадорларни ҳам қидириб топдилар, из қолдирмаслик учун уларни ҳам отиб, мурдасини номаълум томонга ташиб кетдилар. Тирик гувоҳларни қўлга олиб, қийноқларга тутдилар, эшакдек уриб, итдек хорладилар. Тузумнинг – президент Каримовнинг айбини ёпаман, дея, уларга сохта айбловлар қўйдилар, бошларига тухмат тошини ёғдириб, ўзбек халқини ҳақиқатдан чалиғитиш учун андижонликларни маломатлар қилдилар, зўрлаб айбига мажбуран иқрор қилиб, қамоқхоналарга ташладилар...

Андижон фожеаси хусусидаги бор ҳақиқат, мана шулардан иборат.

Қолгани афсона, кимнингдир айбини ёпиш учун ўйлаб топилган уйдирма, шон-шухрат орттиришни истаган баъзи сиёсатчиларнинг сафсатаси ўларок, ўзлари ҳам нима

ўз қавмини, жонажон жигарини мустақиллик улоқчилари қийма-қийма қилаётганларини қўл қовуштириб кузатиб: “Буларга ўзи нима етишмайди. Юрт тинч, осмонимиз мусаффо бўлса, ношукурлик қилиш ана шунақа бўлади”, дея бир чекада томошабин бўлиб турди. Вассалом...

Аммо, бўлиб ўтган бу воқеа-ҳодисалар замиридан кўп нарсани англаса бўлади.

Андижон фожеаси манзараларида президент Каримовнинг саводсиз бир раҳбар сифатидаги изтиробли руҳий кечинмалари, аъмоли дафтарига битилган кўргуликлари яширинган.

Ўзбек халқининг миллат сифатидаги имкониятлари ва уларнинг келажак учун не чоғли ҳамкорлик қила олиш салоҳиятлари очилган. Ўзбек зиёлиларининг шахс ўларок комилликка интилганларининг бариси бекор эканлиги солномаси битилиб, ўзбекларнинг ичида истеъдодларнинг кўплиги баробарида, бугунги кунда шахсларнинг деярли йўқлиги, тарихий хатоларнинг – мутаассиблик ва ҳавойиликнинг миллатни ҳалигача тақиб этаётгани билиниб қолган...

**Эргаш Сулаймон**

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt  
Мухаррир: Замир Малик